

Nilufar TUYCHIEVA
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN.

*Center for scientific research and innovation projects
N.Tuychieva@iia.uz 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011,
Uzbekistan.*

ҒАРБДА ТАСАВВУФНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ВА ТАСАВВУФШУНОСЛИК МАКТАБЛАРИ

ИЗУЧЕНИЯ И ШКОЛЫ СУФИЗМА НА ЗАПАДЕ

THE STUDY OF IN THE WEST AND THE SCHOOLS OF SUFISM

Калит сўзлар: тасаввуф, суфий, мистицизм, руҳий поклик, хонақоҳ, тариқат, тасаввуф фалсафаси.

Ключевые слова: суфизм, суфий, мистицизм, духовная чистота, обитель суфиев, суфийское братство, философия мистицизма

Keywords: Sufism, Sufi, Mysticism, Spiritual Purity, Khanakah, Tariqah, Philosophy of Sufism.

Бугунги кунда тадқиқотчилар тасаввуфнинг Ғарб оламида кенг тарқалаётганини ва аҳоли томонидан илиқ қабул қилинаётганини эътироф этмоқдалар. Айнан Европа мамлакатлари, шунингдек, АҚШ, Канада ва Австралияда бу жараён охириги ўн йил ичида бирмунча жадаллашгани намён бўлмоқда. Афсуски, ҳозирги кунда тасаввуф тариқатларининг Ғарб мамлакатларида тез суръатларда тарқалишининг сабабларини таҳлил этувчи мукамал тадқиқотлар етарли эмас.

Америкалик тасаввуфшунос олим К.Эрнестнинг кайд этишича, бугунги кунда суфийлик бир томондан глобаллашув ва секуляризация жараёнларига мослашишга уринаётган бўлса, бошқа томондан тарихий асосини ҳам сақлаб қолишга муваффақ бўлмоқда [1].

Ғарбда тасаввуфга нисбатан қизиқишнинг кульминацион нуқтаси II жаҳон урушидан кейин Жанубий Осиёдан кўпсонли мусулмон аҳолининг Европа мамлакатларига кўчиб ўтиши бўлди.

Ғарб тадқиқотчиларига хос хусусият исломшуносликни қомусий жиҳатдан ўрганиш бўлиб, ушбу тадқиқотлар таркибида тасаввуф алоҳида ўрин тутган. Улар орасида венгриялик олим И. Гольдциер (1850–1921)ни келтириш мумкин. У суфийликни неоплатончилик билан алоқадорлигини кайд этган. Унинг фикрича, суфийликда энг муҳим нуқта бу Яратганга бўлган муҳаббатдир. Ушбу дав-

рда суфийликни яҳудийлик ва христианлик динининг маҳсули сифатида қаровчи тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. Улардан голландиялик олим К.Снук-Хюргронъени (1857–1936) келтириш ўринли [2; 49 б].

Аммо бу қарашлар бугунги кунда ўзининг илмий ва холис тасдиғини топмаганлиги боис биз юқоридаги фикрларни инкор этишимизга тўғри келади. Хусусан, ҳар бир дин ва фалсафий таълимот таркибида алоҳида равишда ўсиб улғайган мистик жараёнлар ўзаро фарқларни ҳам юзага келтиради. Мистицизмнинг икки характери бор: пассивлик (ҳаракатсизлик) ва методсизлик (усул йўқлиги). Тасаввуфда бидоя ва ниҳоя, бошланиш, камол топишга эришув ва бу йўлдаги методлар муҳим аҳамият касб этади. Мистицизмда эса ҳаракат ва ғайратга эҳтиёж йўқ ва инсоннинг яратилиши кифоя [3; 31–32 б].

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрнинг бошларида тасаввуфни замонавий тадқиқот методлари асосида ўрганиш бошланди. XX асрнинг иккинчи ярмида А.Арберри, Х.Риттер, Ф.Майер, М.Молякаби Ғарб олимларининг илмий изланишларини ушбу туркумга киритиш мумкин. Мана шу даврдан тасаввуф фалсафаси ҳамда шеърини тарихий ва феноменологик асосда ўрганилган тадқиқотлар сони ортиб борди [4:416 б].

Тасаввуфни ўрганиш Буюк Британия, Франция, Германия ва Россияда илғор даражада бўлиб, бошқа мамлакат олимлари уларнинг илмий изланишларидан кенг фойдаланадилар. Рус олими, Мичиган университетининг декани, тасаввуфшунос, профессор А.Д.Кнышнинг фикрига кўра, Ғарбда суфийлик XII–XIII асрдаёқ маълум эди. Аммо ўрта асрларда европаларнинг Шарққа нисбатан қизиқишлари орта бориши натижасида дастлаб Кембриж университетида 1632 йилда, кейин Оксфордда 1636 йилда араб ва бошқа шарқ тиллари кафедралари ташкил қилинган. 1942 йилга келиб (А.Арберри мисолида) суфийлик ҳақида маълумот берувчи илк йирик тадқиқотлар юзага кела бошладди. Аммо ушбу даргоҳдаги изланувчиларнинг аксарияти суфийликнинг ташқи жиҳатларини катта аҳамият бериб ўрганишлари натижасида кишилар тасавурида тасаввуфга нисбатан уйдирма баъзан сохта қарашлар уйғонишига олиб келди (П.Рикот тадқиқоти мисолида) [5; 112 б].

Ғарб оламида тасаввуфга бўлган қизиқиш суфиёна шеърларнинг лотин тилига таржима қилиниши билан бошланди. Машхур суфий Азизиддин Насафийнинг «Мақсадул-ақсо» асарини Брандербургли А.Мюллернинг таржима қилиши ҳам ғарбликларда тасаввуфга нисбатан илиқ муносабат

Мақолада Ғарбда тасаввуфнинг тарқалиш сабаблари, унинг секуляризация жараёнларига мослашув ҳолатлари, шунингдек, тасаввуфга бўлган қизиқишнинг ортиши билан боғлиқ маълумотлар берилган.

Ғарбдаги йирик тасаввуфшунослик мактаб вакиллари томонидан мазкур соҳани тадқиқ этишдаги муаммолар, йўналишлар, босқичлар ҳамда турли хил қарашлар қиёсий-таҳлилий равишда ўрганилиб, улардаги умумий ва фарқли жиҳатлар кўрсатиб берилган.

Мақолада бугунги кунда Ғарбда фаолият олиб бораётган тариқат вакилларининг тарғибот усуллари, таркибий тузилиши ва анъанавий тариқатлардан фарқли жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтилган. Даставвал, Ғарбда замонавий тариқат аъзолари тасаввуфни тарғиб этиш орқали ислом дини кенг тарқалишига сабаб бўлган бўлсалар, бугунги кунга келиб, дин тариқат вакили бўлиши учун тўсқинлик қилмаслигини иддао этишлари кузатилмоқда. Бунинг замирида қандай мақсадлар кўзланганлиги билан боғлиқ масалалар ҳам мақоладан жой олган.

Ғарб давлатларининг ниҳоят даражадаги эркин муҳитида тариқатларнинг фаолияти, жамият ҳаётига таъсири, улардаги ғоявий асосларнинг тубдан ўзгараётгани, ҳатто аслиятдан узоклашиши ҳолатлари юз бераётгани билан боғлиқ ҳолатлар келтирилган.

Мақоланинг хулоса қисмида эса тасаввуфни ўрганишнинг Ғарбга хос хусусиятлари, замонавий тариқат вакилларининг тасаввуфга муносабати ва ислом динига боғлиқ бўлмаган жиҳатларнинг авж олиши туфайли юзага келадиган муаммолар ҳам аке этган.

В статье содержится информация о причинах распространения суфизма на Западе, ее адаптации к процессам секуляризации и растущего интереса к суфизму.

Сравнительно-аналитически изучены и показаны общие и отличительные черты проблем, тенденций, этапов, также различных взглядов представителей крупных суфийских школ Европы в изучении этой сферы.

В статье также обсуждаются виды деятельности представителей тариқатов, структура и их отличия от традиционных тариқатов. Если изначально, современные члены тариқатов стали причиной широкого распространения ислам на западе с помощью суфизма, в настоящее время они утверждают что религия не препятствует для того чтобы стать членом суфизма. Кроме того, в статье приводятся вопросы, скрывающие истинные цели.

Приведены факты о деятельности тариқатов в довольно свободной сфере запада, примеры, связанные с отдалением от истинной сути суфизма и изменения идейных основ. В самой свободной среде западных стран встречаются случаи учений, их влияние на жизнь общества, радикальные изменения их идеологических основ и даже отход от оригинала.

В заключение статьи обсуждаются западные особенности изучения суфизма, отношение современных представителей тариқатов к суфизму, а также проблемы, развивающих аспектов не связанных с религией ислам.

This article gives information on the reasons for the prevalence of Sufism in the West, its adaptation to secularization processes, and the growing interest in Sufism.

The problems, trends, stages and different perspectives of research presented by representatives of The School of Sufism in the West were studied in comparative-analytical study, showing the general and different aspects.

This article also focuses on the promoting methods of the representatives of Sufism in the West, their structure and their differences from traditional ones. Initially, the modern tariqa members caused the spread of Islam by promoting Sufism. But, nowadays, they are claiming that the religion does not interfere when one wants to join a tariqa. The article also covers the main goals of their actions.

There are also notes relating to the activities of the tariqas in the most free environment of Western countries, their influence on society, radical changes in their ideological foundations and the cases of deviation from the originality.

The concluding part of the article consists of the peculiarities of the study of Sufism in the West, the attitude of modern tariqa figures to Sufism and the emerging problems due to non-Islamic aspects.

уйғотди. Орадан юз йил ўтиб Ҳофиз шеърляти Ғарбда машхурликка эришиб, унинг қарашлари халқ орасида оммалашди. Британиялик В.Жонс (1746–1794) А.Арберри наздида европалик олимлар орасида шарқшунослик соҳасидаги илк йирик олимдир. У Британия қироллиги топшириғи билан Ҳиндистонда махсус хизматда бўлади. Ҳиндистонда форс шеърляти билан танишиб, тасаввуфга нисбатан қизиқиши ортади. У тасаввуф илдиэларини хиндуийликдан излашга уринган. В.Жонс, Д.Мальколм, Ж.Грэхмлар тасаввуфнинг илк асосларини Британия мустамлакаси остидаги мамлакатларда деб билганлар. Улар тасаввуф, хиндуийлик ва буддизм орасидаги боғлиқликни кўрсатишга уринганлар[5; 114 б].

Франция тасаввуфшунослик мактабининг йирик вакиллари қаторида Сорбонна университетининг фахрий профессори Луи Массиньонни (1883–1962) келтириш мумкин. У шарқшунос ва исломшунос олим сифатида мусулмон маданияти ва тасаввуфи йўналишларида илмий изланишлар олиб борган. Л.Массиньон суфийликка оид атамаларнинг ўрганишда муҳим ва ўзига хос қадам ташлади. Ушбу изланиш методологик жиҳатдан тасаввуфга ички томондан назар солишни талаб этди. У тасаввуфдаги атамаларнинг Қуръонга таяниши ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватлади ва уни илмий жиҳатдан асослаб берди. Шу жиҳатдан қараганда Массиньоннинг тадқиқоти қимматли адабиётлардан саналади [7; 304 б].

Яна бир франциялик олим Ж.Г.Тасси ислом тасаввуфини адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этган. У Фаридуддин Атторнинг асарларини таржима қилиш билан бирга ислом ва христианлик орасидаги ўхшашликларни кузатишга муваффақ бўлган. Кнйшнинг фикрига кўра, мазкур франциялик олимнинг изланишларида адабиёт ва лингвистика биринчи ўринда бўлиб, исломшунослик мукамал даражада эмас. У ўз илмий изланишлари жараёнида тасаввуфий адабиётларга филологик нуқтаи назардан ёндошади [5; 116 б].

Франциядаги тасаввуфшунослик икки хил тартибда амалга оширилади. Биринчиси, шарқшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш тури бўлиб, бунда ҳудуд танланмайди, умумий масштабда ўрганилиб, филологик таҳлил амалга оширилади. Бу турдаги тадқиқотни амалга оширган франциялик олим С.де Сасси (ваф.1838 й.) асосан тасаввуфнинг тарихий жиҳатларини ёритишга муваффақ бўлган. Иккинчи тур вакиллари тасаввуфга замонавий нуқтаи назардан қарайдилар. Асосан тасаввуфшуносликнинг бугунги ва эртанги ривожига муносабат билдирадилар. Социологик жиҳатдан таҳлил қилиб, олдиндан тасаввуфнинг Ғарб оламига кўрсатаётган таъсирини ва унинг оқибатларини ўрганади.

Француз сайёҳлари ва ҳарбийлари томонидан ёзиб қолдирилган хотира китоблари ҳам тасаввуфшунослар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Булар жумласига Е. де Нево (1845), Ш.Бросслар (1859), М.Мерсье (1869), А.Дювеирье (1884)ларни келтириш мумкин. Капитан Л.Ринна кузатувларини ёзувга тушириб, суфийларнинг тарихи ва одатлари хусусида қимматли маълумотларни қолдирган. Унинг Шимолий Африкадаги тариқатлар ва уларнинг сони, яшаш манзиллари ҳақида берган маълумотлари ҳалигача социологик тадқиқот олиб боровчи олимлар учун йўлланма вазифасини ўтайди. Франциялик тасаввуфшунослар бугунги кунга келиб тасаввуфнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини ўрганиш устида иш олиб бормоқдалар.

Н.С.Семенов илк бор тасаввуф бўйича Германияда академик илмий изланиш олиб борган шахс сифатида XIX асрда яшаган немис руҳонийси Фрид Август Толукни эътироф этади. Ф.Толук тасаввуфни ислом таркибидаги бир шаҳобча сифатида ўрганади. Яна бир немис тадқиқотчиси Фон Хамер тасаввуфни Пайғамбарнинг илк саҳобийларига эргашувчилар томонидан ишлаб чиқилган йўналиш сифатида баҳолаган. Баъзи тадқиқотчилар эса тасаввуфни христианликдаги таркидунёчи оқимлар билан солиштирган ҳолда ўргандилар. Немис олимлари Альфред фон Кремер ва Фрид Август Толук фикрига кўра, ислом тасаввуфи за-

мирида Шарқ халқлари руҳиятининг ўзига хос йиғиндиси акс этади [7; 9 б]. А.Кремер «Исломдаги илоҳий қарашлар тарихи» номли илмий изланиш олиб борганини қайд этиш зарур. Муаллиф мазкур тадқиқотни евроцентриқ ва исломий қарашлардан холи бўлган ҳолда амалга оширган. У тасаввуфни иккига ажратади: 1. Мўътадил, зоҳидлик амалиётига асосланган тоифа; 2. Фикрий жиҳатдан чуқур мулоҳазага, ҳар бир масалада ботинга аҳамият берувчилар.

Суфий шоирлар томонидан таълиф этилган классик форс шеърятининг ғарб тилларига таржима қилиниши европаликлар, хусусан, немис халқи маданиятига ҳам катта таъсир ўтказмай қолмади. Немис таржимонлари Й.Хаммер ва Ф.Рюкертларнинг ижоди туфайли немислар суфийлик анъаналари билан яқиндан танишдилар.

Немис тадқиқотчиларидан С.де Сасси Фаридуддин Атторнинг «Панднома»сини, миссионер Э.Трумпа ҳинд суфийси Абдуллатифнинг «Рисола» поэтик асарини, Й.Хаммер эса Ибн Форизнинг «Қасида»сини немис тилига таржима қилишга муваффақ бўлган. Булар орасида Э.Трумпа тасаввуфни буддизмдан келиб чиққан таълимот сифатида қарайди.

Бугунги кунда Марказий Осиёдаги тасаввуфни ўрганувчи йирик олимлар қаторида германиялик замонавий тасаввуфшунослардан Юрген Паулни келтириш мумкин. Ю. Паул Марказий Осиёда тасаввуфнинг тутган ўрни, ўлка ижтимоий ҳаётига кўрсатган таъсири ҳақида изланишлар олиб бориб, тасаввуф тариқатлари ҳақида монография ва ўнга яқин мақолалар чоп эттирган. Унинг илмий изланишлари асосан нақшбандийлик тариқати ва унинг вакиллари фаолиятига бағишланганини кўриш мумкин.

Шу ўринда тасаввуфшунослик соҳасида салмоқли фаолият юритган германиялик диншунос, исломшунос Аннемари Шиммель (1922–2003) ни келтириш лозим. Унинг рус тилига таржима қилинган «Мир исламского мистицизма» [4; 416 б] китоби ушбу соҳада амалга оширилган йирик тадқиқотлардан ҳисобланади. Унинг мазкур тадқиқоти барча ҳудудлар доирасида амалга оширилган умумлашма китоб бўлиб, унда тасаввуф тарихи ва бугунги куни ҳамда форс шеърятидаги мажозий образларнинг тасаввуфий талқини ҳақида маълумотлар келтирилган.

Россияда XIX–XX асрларга келиб бир нечта рус шарқшунослари орасида тасаввуф йўналишида илмий изланишлар олиб бориш кўзга ташланади. А.Крымский, В.Жуковский, Е.Бертельс, И.Петрушевскийлар Россияда тасаввуф билан чуқур илмий

асосда шуғулланган илк йирик тадқиқотчилардан дир. А.Крымскийга кўра, тасаввуф ҳақида тасаввур уйғотувчи манбалар бу ўрта аср Эрон шоирларининг поэтик ижоди билан боғлиқ бўлиб, уларнинг шеъриятида суфийликнинг у ёки бу жиҳати акс этган. Унга кўра, тасаввуфнинг пайдо бўлиш жараёни ижтимоий-иқтисодий жиҳатлар, теократик давлат тузимининг ўзгариши, ушбу йўлда халқнинг эзилиши ва халифаликка бўлган курашнинг авж олиши билан боғлиқ саналиб, тасаввуф одамларнинг зулм ва жабрга қарши кураши сифатида юзага келган [8;7 б]. Қайд этиш лозимки, олимнинг Ғарбий Европа исломшунослари ижодига С.де.Саси, Ф.Толук, А.фон Кремер, Р.Дози кенг таъсир ўтказган. Айнан ушбу олимларнинг илмий изланишларидан тасаввуфнинг илк даврига, кейин эса фалсафасига оид маълумотларни ажратиб олган. Крымскийнинг мазкур изланиши тасаввуфнинг пайдо бўлиши ҳақида етарлича хулоса ва натижаларга эришишига олиб келган. У немис тадқиқотчиси Ф.Толукнинг «ислом тасаввуфининг асослари шаклланишига христианлик ва буддизм катта таъсир ўтказган» деган фикрини ёкламайди [4;149 б].

А.Крымский шу билан бирга А.Кремернинг тасаввуфнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашларига ҳам эътироз билдиради. Маълумки, Кремер тасаввуфни араб иқлим шароити натижасида вужудга келган таълимот сифатида кўради. Рус тадқиқотчиси Крымский эса тасаввуфни араб муҳити маҳсули деб қарамайди. Унинг фикрича, тасаввуф эронликлар орасида вужудга келган ва араблар қаршилигига учраган. Шунингдек, тадқиқотчи тасаввуфни шиалар ва исмоилийлар билан муносабатига ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Яна бир рус олими В.Жуковский ҳамиша ўзининг тадқиқотларида тасаввуфни форс шеърляти билан боғлаб ўрганишга катта аҳамият берган. Бу борада форс шеърлятининг ўрни бекиёслигини англаган шахс тасаввуфий жумлаларни ва аъёналарни осон тушунади, деб ҳисоблаган. Унинг форсий шеърлар ва девонларни тадқиқ этиши, адабиёт ва тасаввуфни боғлаб ўрганиши Ғарб тадқиқотчилари учун янги соҳа эмас эди. Бу йўналишда Жуковскийдан фарқли ўлароқ Е.Бертельс Хуросон тасаввуфни академик тарзда ўрганган йирик олим сифатида тарихда қолди.

Москва ва Петербургда тасаввуф тарихини академик тарзда ўрганиш ўрта асрларга оид тасаввуфий матнларни тадқиқ этиш билан бошланди. Рус олимларининг қизиқишлари Марказий Осиё ва Кавказдаги тариқатларнинг ўлка сиёсий ва ижтимоий ҳаётида қандай ўрин эгаллагани билан белгиланган. Марказий Осиёда нақшбандийлик та-

риқатига мансуб суфий-эшонларнинг халқ озодлик ҳаракатига кўрсатган таъсири ва уларнинг жамоа орасида тутган бекиёс ўрни рус олимлари учун тадқиқот объекти қилиб олинди.

Умуман олганда, тасаввуфни илмий жиҳатдан ўрганиш уч йўналишда амалга оширилади: 1. Фалсафий нуқтаи назардан ўрганиш. 2. Исломшунослик доирасида ўрганиш (мусулмонларга хос қарашлар асосида). 3. Амалий жиҳатдан ўрганиш (социологик тарзда таҳлил қилиш орқали изланиш олиб бориш. Бу ҳолат кўпроқ франциялик тадқиқотчиларга хос) [2; 49 б.].

Рус олими А.Д.Кныш эса тасаввуфшуносликни қуйидаги йўналишларга ажратади:

- тасаввуфнинг пайдо бўлиш тарихи;
- тасаввуф фалсафаси ва тушунчалари;
- тасаввуф амалиёти ва руҳий ҳолатлари билан

боғлиқ жиҳатлар;

– суфий тариқатлар тарихи, уларнинг турли даврлар ва минтақаларда мусулмонлар ижтимоий ҳаётида тутган ўрни;

- суфий адабиётларини таҳлил қилиш [4;113 б]

Шу ўринда тасаввуфни ўрганишнинг 2 тури бугунги кунда энг кўп тарқалганини қайд этиш лозим. Биринчиси, илмий жиҳатдан, академик тарзда, объектив ўрганиш бўлса, иккинчиси, қайсидир тариқатга мансуб шахс томонидан мазкур тариқат асослари ёки тасаввуф тарихи, амалиёти каби жиҳатларнинг ўрганилишидир. Бу каби манбаларнинг эътиборга молик жиҳати муайян йўналиш вакилининг айнан ўзи томонидан битилганидир.

Ҳозирги кунда суфийликка оид илмий доирадаги изланишлар кўпайиб бораётганини таъкидлаш ўринлидир. Исломшуносликнинг алоҳида шаҳобчаси ҳисобланган тасаввуфшунослик ўзининг қарашлари ва методологиясига эга. Шу вақтгача тасаввуфнинг тарихи, ривожланиш босқичлари ва тариқатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ адабиётлар нашр қилинган бўлса, энди XXI асрга келиб Ғарбда тариқатларнинг жадаллик билан тарқалаётганини социологик ва сиёсий жиҳатдан таҳлил қилувчи манбалар яратиш долзарблик касб этмоқда.

Суфийликни классик ўрганиш тури ҳам мавжуд бўлиб, у қуйидагилар билан белгиланади:

1. Муҳим деб топилган суфийликка оид манбаларни илмий муомалага киритиш;
2. Тасаввуфшуносликда муҳим шахс сифатида қараладиган суфийларни алоҳида ўрганиш;
3. Илмий қарашларни ишлаб чиқиш [2;49 б].

Тасаввуфни халқаро доирада ўрганиш тури мавжуд бўлиб, бу йўналишга Л.Массиньон, Дж.С. Тримингэм ва А.Шиммелларни киритиш мумкин.

Юқоридаги муаллифлар биргина ҳудуд билан чегараланмай, барча китъаларда тарқалган тариқатлар ва улар билан боғлиқ жиҳатларни тадқиқ этганлар.

Бугунги кунда машҳурликка эришган ва тасаввуфий изланишларни олиб бораётган, натижада эса дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида кўплаб тарафдорлар орттираётган шиаликдаги – неъматуллоҳийлик бошқа тариқатлардан замонавий қарашлари ва мурасакорлиги билан ажралиб туради.

Неъматуллоҳийликнинг хонақоҳлари Америка, Европа, Австралия ва Африка мамлакатларида очилган. 2004 йилга келиб мазкур тариқатнинг хонақоҳлари Москвада, 2006 йилда эса Санкт-Петербургда ҳам ўз фаолиятини бошлаган [10]. Неъматуллоҳийликнинг собиқ раҳнамоси доктор Жавод Нурбахш психиатр бўлганлиги сабабли суфийларнинг ички кечинмалари билан боғлиқ томонларига катта аҳамият беради. Шу сабабли неъматуллоҳийликда руҳий ҳолатлар, «руҳий поклик», «руҳий етуклик» каби тушунчалар кўп қўлланилади.

Жавод Нурбахш Техрон университетининг тиббиёт факультетида таҳсил олган. Унинг кўплаб асарлари ғарб тилларига, хусусан, рус тилига ҳам таржима қилинган. «Психология суфизма», «Беседы о суфийском пути», «Рай суфиев» номли китоблари шулар жумласидандир. Ж.Нурбахшнинг фикрига кўра, севги руҳнинг ягона бошқарувчисидир. Севги юракдаги пардани парчаласа, юрак эгаси бемаъни истаклардан, кўркув ва нафс балосидан халос бўлади. Севги бу Худонинг туҳфасидир. Юракни севгига ҳозирлаш тариқатнинг вазифасидир. Севгига эришиш бу – ҳақиқатдир. Нафс домида ёнаётган юрак ҳеч қачон севгига эришолмайди. Севги учун тоза юрак, ишққа мойил қалб, кўнгил қўйган нарсалардан озод бўлиш талаб этилади [10; 50-51 б]. Унинг рисола ва мақолаларида кўпроқ инсон руҳияти, уни таназзулдан олиб чиқишга қаратилган чоралар ва ҳақиқатга эришишда тасаввуфдан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган.

Европада анъанавий суфийлик тариқатларидан шозилия ва унинг шаҳобчаси бўлмиш бурҳония, нақшбандия ва неъматуллоҳия, тижония вакиллари кенг тарқалган. Улар орасида сон жиҳатидан нақшбандийлик ва неъматуллоҳийлик етакчилик қилади. Ғарбий Европада нақшбандийликнинг турли йўналишлари фаолият олиб боради. Буюк Британияда покистонлик ва ҳиндистонлик шайхлар асос солган нақшбандия-муҷаддия йўналиши мавжуд. Шунингдек, Муҳаммад Аслам Соҳиб асос солган муҷаддия-асламия маркази Кигл ва Люттон шаҳарларида фаолият юритади. Лондондаги тасаввуф мактаби эса нақшбандия-муҷаддия

тариқатининг ҳинд шайхи Озод Расулга алоқадор. Ушбу мактабнинг асосий аъзолари европаликлар эканлиги эътиборни тортади [11; 693-694 б].

Суфийлик тарғибот марказлари тарихийликка асослансада, изланишлари мобайнида замонавийликка, бугунги кундаги муаммоларга, инсон руҳиятига катта эътибор бериши билан тасаввуф тадқиқот марказларидан тубдан фарқ қилади. Шу сабабли Европа мамлакатлари аҳолиси ўзининг руҳий муаммоларига ечим сифатида мазкур марказларнинг адабиётларини мутолаа қилмоқда. Шу туфайли тасаввуфнинг глобаллашув шароитига мослашувини ўрганиш, жамият ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб бериш, илмий асосда намоён этиш ханузгача долзарблигича қолмоқда.

Ғарбда транснационал уюшмаларга айланиб бораётган бир қатор тариқатлар ҳам ҳозирга келиб «исломсиз тасаввуф» тамойилларини илгари сураётгани кузатилмоқда. Асрлар мобайнида мусулмонлар томонидан умумэтироф этиб келинаётган шариатни инкор этиш орқали бошқа дин вакиллари тариқатга кирғизиш, ҳақиқий суфий дин ва шариат масаласига эътиборсиз муносабатда бўлишни сингдириш, суфийлик таълимотини инсониятнинг бирламчи мақсади сифатида талқин этиш каби наъанавий тасаввуфга мутлақо ёт ғоялар экани сир эмас.

Ислом шариати тасаввуфнинг дастлабки мақоми ва тариқатга киришнинг асосий шарт сифатида эътироф этилган. Наинки мусулмон бўлмаган, балки шариатни билмаган, унга амал қилмаган кишининг тариқатга киришига изн берилмаган. Аҳмад Яссавий:

Шариатсиз тариқатга кирганларни,

Шайтон лаин имонини олар эмиш –

дея, шариатни мукаммал эгалламаган, унга амалда риоя қилмаган киши тариқатга кириши мутлақо мумкин эмаслигини айтиб ўтган. Боз устига тасаввуф ҳеч қачон инсоннинг пировард ҳаётий мақсади сифатида талқин этилмаган. Тасаввуф аждодларимиз учун мусулмонликни камолотга етказишнинг бир воситаси эди, холос [12 ; 139 б].

Афсуски, тариқатлар ўзларининг минтақавий хусусиятларини йўқотиб, тобора қамровини кенгайтиришга бўлган уринишлар кўзга ташлана бошланди. Бунда улар жаҳон динларига хос жиҳатлардан бири – «универсализм»га мурожаат қилиб, кишиларни миллатидан, ирқидан, ижтимоий келиб чиқишидан ва ҳатто динидан қатъи назар ўз тариқатларини қабул қилишлари мумкинлигини даъво қилмоқдалар [13; 492 б].

Тасаввуф бугунги кунгача исломшунослик таркибида ўрганилиб келинаётгани сабабли, та-

саввуфшуносликни ўрганувчи алоҳида илмий тадқиқот марказлари йўқ. Ғарб мамлакатлари, Россия ва Марказий Осиёдаги олий ўқув юртларининг шарқшунослик ва исломшунослик илмий тадқиқот марказлари таркибида тасаввуфга оид илмий изланишлар олиб борилиб, адабиётлар чоп этилмоқда. Бунда Буюк Британиянинг Оксфорд ва Кембриж, Швецариянинг Берн, Германиянинг Бохум университети етакчилик қилади.

Қайд этиш лозимки, Ғарб олимлари дастлаб тасаввуфни форс шеърляти билан боғлиқ санаб, уни адабиётнинг бир жанри сифатида баҳолаб ўрганган бўлсалар, бугунга келиб социологик ва сиёсий жиҳатдан атрофлича ўрганиш анъанага айланиб бормоқда. Бу масалада илмий адабиётлар нашр қилиниши долзарб аҳамият касб этмоқда [14].

Марказий Осиёда кенг тарқалган футувват, жавонмардлик, ахийлик [15; 1 б.] каби тушунчаларнинг моҳиятидаги халқни жипслаштириш, улар ўртасида ўзаро кўмак, аҳилликни шакллантириш ғояларининг аҳамияти ғарбликлар учун ўзига хос ҳолат деб баҳоланиши тасаввуфга бўлган қизиқиш ортиб боришига сабаб бўлди.

Суфий шоирларнинг қарашларини тасаввуфнинг асоси деб билиб, шундангина иборат ҳисоблаш ўзини оқламади. Вақт ўтиб тасаввуфнинг келиб чиқиш илдизлари ва мусулмон тасаввуфи ҳамда христианлик ўртасидаги ўхшашлик каби масалалар ғарбликлар эътиборини ўзига жалб этди. Аммо юқоридаги икки масалага олимлар томонидан турлича муносабат билдирилганига қарамай ҳамон қатъий ва аниқ хулосалар келтирилмаган, тўғрироғи, бир тўхтамга келинмаган.

Шу билан бир қаторда, мазкур масала долзарблигича турган бир вақтда тасаввуф ва шиалик ўртасидаги ўзаро муносабат олимлар учун ўрганиш объектига айланишини ҳам таъкидлаш ўринли. Гарчи тасаввуфдаги шиалик унсурлари атрофлича кўриб чиқилсада, шиалик тариқатлари, уларнинг аниқ белгилари ва таълимоти ҳақида комплекс тадқиқот амалга оширилмаган.

Дастлабки даврларда асосан ғарб филологлари тасаввуфий адабиётларни таржима қилиш билан шуғулланганлар [16]. Кейинчалик ғарб шарқшунослари бу жараёнга киришиб суфийликка оид манбалар ўрганишни бошлаганлар. Даставвал, тасаввуфга оид тадқиқотлар мусулмон бўлмаган тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган бўлса, бугунги кунга келиб Ғарбда истиқомат қилувчи, мусулмон оилаларида улғайган, амалий жиҳатдан ҳам тасаввуф илмидан бохабар бўлган олимлар илмий изланишлари ҳам катта аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ernst, C.W. Sufism, Islam, and Globalization in the Contemporary World: Methodological Reflections on a Changing Field of Study. 2005.
2. Pshu R.V. Filosofiya sufizma. Chast I. –М.: Rossiyskiy universitet drujbi narodov. 2010.
3. Usmon Turar. Tasavvuf tarixi. –Т.: Istiqlol, 1999.
4. Shimmel A. Mir islamskogo mistisizma. –М.: Aliteya, Enigma, 2000.
5. Knish A.D. Sufizm // Islam. Istoriograficheskie ocherki. –М.: 1991.
6. Semyonov N.S. Filosofskie traditsii Vostoka: Uchebnoe posobie / N.S.Semyonov. –М.: EGU, 2004.
7. Kasimova Z.I. Istoki, sotsialnaya sushnost i prichini rasprostraneniya sufizma: //Iz istorii sufizma: istochniki i sotsialnaya praktika. –Т.: Fan, 1991.
8. Alikberov A. Sovremenniy sufizm na Kavkaze. :Abu Bakr ad-Darbandi i ego sufiyskaya ensiklopediya «Rayhon al-haqoiq» (XI-XII vv). Moskva. Vostochnaya literatura, 2003.
9. Nurbaxsh DJ. Duxovnaya nisheta v sufizme. Per.s.ang. –Aliksey Orlov. –М.: Optimus Layt, 2000.
10. Yarosh O.A. Islamskiy sufizm i «neosufizm» v zapadnoy Evrope: institutsionalniy aspekt. www.sufism.ru
11. <http://muzasufiy.com>.
12. Globallashuv sharoitida tariqatlar: ta'limot va uslublar, tahlil va xulosalar / Mas'ul muharrir: I.Usmonov; TIU, Islomshunoslik ilmiy-tadqiqot markazi. –Toshkent: Movorounnahr, 2014.
13. Dvorkin A.L. Sektovedenie. Nijniy Novgorod: 2002.
14. www.medicina-in-moscow.ru
15. Usmonov, Ibrohim (2018) "Muslim altruism ideas in the scientists' writings of Maverannahr," The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1, Article 4. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/4>
16. Қапанг: Shoaliyeva, Nargiza (2019) "Composition «Maslak ul-Muttaqin» Sufi-Allohyor to the Turk (old Uzbek)-Persian literature," The Light of Islam: Vol. 2019: Iss.2, Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss2/15>

